

ILMIY-AMALIY JURNAL

ISSN 2181-0958

DOI 10.26739/2181-0958

YURISPRUDENSIYA

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ | JURISPRUDENCE



1 JILD, 1 SON

2020

YURISPRUDENSIYA

1 ЖИЛД, 1 СОН

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

ТОМ 1, НОМЕР 1

JURISPRUDENCE

VOLUME 1, ISSUE 1



Bosh muharrir:
Главный редактор:
Chief Editor:

SALAEV NODIRBEK
Toshkent davlat yuridik universiteti
Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor,
yuridik fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

RUSTAMBEKOV ISLAMBEK
Toshkent davlat yuridik universiteti
O'quv ishlari bo'yicha prorektor,
yuridik fanlari doktori, professor;

YURISPRUDENSIYA JURNALI TAHRIRIY HAY'AT A'ZOLARI
РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ ЖУРНАЛ ЮРИСПРУДЕНЦИЯ
EDITORIAL BOARD OF THE JOURNAL JURISPRUDENCE

Mas'ul kotib | Ответственный секретарь | Responsible secretary:
NIYOZOVA SALOMAT

Jinoyat huquqi, kriminologiya va korrupsiyaga qarshi kurashish kafedrasida
professor vazifasini bajaruvchi, yuridik fanlari doktori, dotsent;

KARIMOV FARXOD

Siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori,
dotsent, A.Avloniy nomidagi malaka
oshirish instituti prorektori

BAZAROVA DILDORA

Toshkent davlat yuridik universiteti
Jinoyat-protsessual huquqi kafedrasida mudiri,
yuridik fanlari doktori, professor;

IMOMOV NURILLO

Toshkent davlat yuridik universiteti
Fuqarolik huquqi kafedrasida mudiri,
yuridik fanlari doktori, professor;

NE'MATOV JURABEK

Toshkent davlat yuridik universiteti
Ma'muriy va moliya huquqi kafedrasida
dotsenti, yuridik fanlari doktori, dotsent.

ISMOILOV SHUXRATJON

Toshkent davlat yuridik universiteti
Mehnat huquqi kafedrasida mudiri,
yuridik fanlari doktori;

XABIBULLAYEV DAVLATJON

Toshkent davlat yuridik universiteti Fuqarolik
protsessual va iqtisodiy protsessual huquqi kafedrasida
mudiri, yuridik fanlari nomzodi, professor;

OCHILOV HASAN

Toshkent davlat yuridik universiteti Jinoyat huquqi,
kriminologiya va korrupsiyaga qarshi kurashish kafedrasida
mudiri, yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent;

GAFUROVA NOZIMAXON

Toshkent davlat yuridik universiteti Xalqaro
huquq va inson huquqlari kafedrasida mudiri,
yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent;

NARZIYEV OTABEK

Toshkent davlat yuridik universiteti
Xalqaro xususiy huquq kafedrasida mudiri,
yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent;

UZAKOVA GO'ZAL

Toshkent davlat yuridik universiteti
Ekologiya huquqi kafedrasida mudiri,
yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent;

MUSAYEV BEKZOD

Toshkent davlat yuridik universiteti
Konstitutsiyaviy huquq kafedrasida mudiri,
yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent;

MURATAYEV SERIKBEK

Toshkent davlat yuridik universiteti
Davlat va huquq nazariyasi kafedrasida mudiri,
yuridik fanlari nomzodi;

KAMALOVA DILDORA

Toshkent davlat yuridik universiteti Sud, huquqni
muhofaza qiluvchi organlar va advokatura kafedrasida
mudiri, yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori;

YUSUPOV SARDORBEK

Toshkent davlat yuridik universiteti
Ma'muriy va moliya huquqi kafedrasida
mudiri, yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori;

XO'JAYEV SHOJAXON

Toshkent davlat yuridik universiteti
Intellektual mulk huquqi kafedrasida mudiri,
yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori;

KURBANOV MA'RUF

Toshkent davlat yuridik universiteti
Kriminalistika va sud ekspertizasi kafedrasida
mudiri, yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori;

Page Maker | Верстка | Sahifalovchi: Xurshid Mirzaxmedov

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Камалова Дилдора Гайратовна ЖИНОЯТ ХУҚУҚИДА РАЎБАТЛАНТИРУВЧИ НОРМАЛАР ВА УЛАРНИ ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШДАН ИХТИЁРИЙ ҚАЙТИШДАН ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАРИ.....	5
2. Сайидов Рустамбек Абдурасулович МДХ (МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ) ДАВЛАТЛАРИДА ХУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГ ИНСТИТУТИ: ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ.....	11
3. Ҳожиев Носиржон Комилович ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУДДАТИ ЎТИБ КЕТГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ШАРТЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ.....	18
4. Салимов Шерзод Юнусович МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИ СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ.....	27
5. Нурмухаммедова Гўзалхон Баходировна КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ.....	33
6. Муталов Отабек Баҳром ўғли, Жураева Асал Бахтиевна ЎЗБЕКИСТОН, ГЕРМАНИЯ ВА ХИТОЙДА ТОВАР БЕЛГИСИГА БЎЛГАН ДАСТЛАБКИ ХУҚУҚЛАР: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ.....	41
7. Ахроров Адхамжон Асроркул ўғли ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИТОРЛАР ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ НОДАВЛАТ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	47
8. Ашурова Нилуфар Ўктамовна ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ ЖИНОЯТГА ЖАЛБ ҚИЛГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АСОСЛАРИ.....	53
9. Қаршиев Ғулумжон Сайфуллаевич ОИЛАДА ЁШЛАР РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.....	58
10. Умирзаков Бегзод Атабоевич ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ТУРЛАРИ.....	63
11. Каракетова Дилноза Юлдашевна БИР ГУРУХ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН БЕЗОРИЛИК СОДИР ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.....	69
12. Мырзабаев Қуатбай Бахытбаевич АҚШДА ФЕДЕРАТИВ ИНСТИТУТЛАРГА КИРУВЧИ ДАВЛАТ ҲОКИМЯТИ ОРГАНЛАРИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОЛАРИ ВА ҚОНУНЧИЛИК МЕХАНИЗМИ.....	75
13. Хусаинова Рано Абдихаликовна ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДОГОВОРНЫХ ОТНОШЕНИЙ НА РЫНКЕ ЭЛЕКТРИЧЕСКОЙ ЭНЕРГИИ.....	82
14. Абдуқодиров Абдурауф Баходир ўғли БОЛАНИНГ ЯШАШ ХУҚУҚИ.....	89
15. Абдуллаев Хуршидjon Назрулло ўғли ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АУДИТОР ВА АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ.....	97
16. Разикова Дилором Кадиловна ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ЯПОН ТАДҚИҚОДЧИЛАРИ НИГОҲИДА.....	102

YURISPRUDENSIYA

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ | JURISPRUDENCE

Ахроров Адхамжон Асроркул ўгли,
Тошкент давлат юридик университети
Халқаро алоқалар бўлими етакчи мутахассиси
E-mail: a.axrorov@tsul.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕТОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ НОДАВЛАТ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0958-2020-1-7>

АННОТАЦИЯ

Мақолада инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг аҳамияти, усуллари, хусусан, бугунги кунда дунё мамлакатларида кенг тарқалган инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг нодавлат усуллари муҳокама қилинган. Шунингдек инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид Қозоғистон тажрибаси таҳлил этилган ҳамда миллий қонунчиликни такомиллаштиришга оид тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: медиация, арбитраж, партисипатив усул, инвестицион низо, инвестицион келишув.

Ахроров Адхамжон Асроркул угли,
Ведущий специалист Отдела международных отношений
Ташкентского государственного юридического университета
E-mail: a.axrorov@tsul.uz

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ МЕТОДОВ ЗАЩИТЫ ПРАВ ИНВЕТОРОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются значение и методы защиты прав инвесторов, в частности, негосударственные методы защиты прав инвесторов, которые широко распространены в странах мира сегодня, а также мнения ряда ученых, касаемые данного вопроса. Был также проанализирован казахстанский опыт защиты прав инвесторов и разработаны рекомендации и предложения по совершенствованию национального законодательства.

Ключевые слова: медиация, арбитраж, партисипативный метод, инвестиционный спор, инвестиционный договор.

Akhrorov Adkhamjon Asrorkul ugli,
Leading Specialist, Department of International Relations
Tashkent State University of Law
E-mail: a.axrorov@tsul.uz

IMPROVEMENT OF NON-STATE METHODS OF PROTECTING THE RIGHTS OF INVESTORS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ABSTRACT

The article discusses the significance and methods of protecting investors, in particular, non-state methods of protecting investors, which are widespread in the countries of the world today. The Kazakhstan experience in protecting investors' rights was also analyzed and recommendations and suggestions for improving national legislation were developed.

Keywords: mediation, arbitration, participatory method, investment dispute, investment contract.

Замонавий иқтисодий тизимнинг ривожланишини инвестицияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу сабабли мамлакатда йирик инфратузилмали лойиҳаларни амалга ошириш, замонавий жиҳатдан юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш мақсадида иқтисодиётни жадал ривожлантириш, чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун энг қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш, товарлар (ишлар, хизматлар)дан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек ҳудудларда зарур инфратузилмани яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, мамлакатда инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари аниқ белгиланганлигига қарамадан инвесторлар билан ишлашда, айниқса жойларда, инвесторларнинг ташаббуслари барча даражадаги ҳокимликлар томонидан лозим даражада қўллаб-қувватланмаслиги, бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти аниқ мувофиқлаштирилмаганлиги билан боғлиқ бюрократик тўсиқ ва ғовлар ҳали ҳам мавжудлиги қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончнинг мустаҳкамланишига тўсқинлик қилмоқда. Бунинг натижасида инвесторлар ва давлат органлари ёки мансабдор шахслар ўртасида турли хил низолар келтириб чиқармоқда. Шу боис инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатланганлиги ва уларни ҳимоя қилиш усулларини такомиллаштириш, аввало, инвесторларни ҳимоя қилишнинг нодавлат усулларини жорий этиш вазифасини тақозо этади. Акс ҳолда мамлакат иқтисодиётига кириб келаётган инвесторларда давлатнинг холислигига шубҳа уйғонади.

Рус ҳуқуқшунос олими А.П.Сергеев фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг юрисдикциявий ва ноюрисдикциявий турларга ажратади [1].

Ҳимоя қилишнинг юрисдикцион шакли - давлат ёки давлат томонидан ваколатли органлар томонидан фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Ҳуқуқий ҳимоя доирасида бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг умумий (суд) ва махсус (маъмурий) тартиби ажратилади.

Ҳимоя қилишнинг ноюрисдикцион шакли - бузилган ҳуқуқни давлат ва бошқа ваколатли органларга мурожаат қилмасдан ваколатли шахснинг мустақил ҳаракатлари билан ҳимоя қилишдир. Ушбу ҳимоя шакли фуқаролик ҳуқуқларини ўз-ўзини ҳимоя қилиш ва ваколатли шахс томонидан ҳуқуқбузарга тезкор таъсир кўрсатиш чораларини қўллашда намоён бўлади.

Е.П.Губина ва П.Г.Лахноларнинг фикрига кўра баъзи олимлар тадбиркорлар ҳуқуқларининг ўзига хос хусусиятларини ва тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бир қатор олимлар томонидан тавсия этилган тасниф энг муваффақиятли деб ҳисобланади, унга кўра ҳимоя шакллари суд ва суддан ташқари турларга бўлинади [2]. А.П.Сергеевнинг фикрига кўшилган ҳолда таъкидлашимиз мумкинки, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг юрисдикцион ва ноюрисдикцион турларга ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки суд ҳам бевосита давлат органи ҳисобланади. Шу сабабли фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг юрисдикцион ва ноюрисдикцион турларга ажратилиши бевосита давлатнинг ваколатлари билан боғлиқ

ҳисобланади. Унинг моҳияти шундаки, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ноқонуний хатти-ҳаракатлар туфайли бузилган шахс бузилган ҳуқуқни тиклаш ёки бузилишнинг олдини олиш учун зарур чораларни кўриш ваколатига эга бўлган давлат ёки бошқа ваколатли органлардан ҳимоя қилишни талаб қилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонунда инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари кўрсатилмаган ва инвесторларга нисбатан Фуқаролик кодексининг 11 моддасида назарда тутилган умумий фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари қўлланилиб келмоқда. Ушбу усулларга эътибор қаратадиган бўлсак, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий қисми давлат ҳуқуқий ҳимоя қилиш усуллари ташкил этади. Аммо ривожланган мамлакатлар қонунчилигига эътибор қаратадиган бўлсак, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг нодавлат усуллари кенг жорий этилган ва давлат ҳуқуқий ҳимоя қилишга қараганда анча ривожланган. Шу сабабли ҳам бу давлатлар иқтисодиётига инвесторлар кўп кириб келмоқда. Хусусан, Қозоғистон Республикаси Тадбиркорлик кодексининг 296 моддасига кўра инвестицион низолар музокаралар йўли билан ёки тарафлар томонидан олдиндан келишилган низоларни ҳал қилиш тартибига мувофиқ ҳал қилинади. Агар музокаралар ўтказиш йўли билан инвестицион низоларни ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, низолар халқаро шартномалар ва Қозоғистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат судларида, шунингдек томонларнинг келишуви билан белгиланган арбитражларда ҳал қилинади. Инвестициялар билан боғлиқ бўлмаган низолар Қозоғистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳал қилинади. Тадбиркорлик субъектларининг бузилган ёки баҳсли ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Қозоғистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда (арбитраж, медиация, Қозоғистон тадбиркорларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссари, Омбудсман, музокаралар, даъво тартиби ва бошқалар) амалга оширилиши мумкин.

Бундан ташқари Кодекснинг 303 моддасида суддан ташқари ҳимоя шакллари белгиланган бўлиб, унга кўра тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Қозоғистон Республикаси қонунларида ва (ёки) шартномада назарда тутилган қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин.

1. Арбитраж тартибида;
2. Медиация воситасида;
3. Партисипатив тартибида.

Кўриб турганимиздек, суддан ташқари тартибга солишнинг биз учун янги тури бўлган партисипатив тартибида ҳимоя қилиш усули мавжуд. Мазкур усул 2010-2011 йилларда низоларни ҳал қилишнинг янги усули сифатида Францияда вужудга келди ва самарали восита эканлиги сабабли тез орада Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси ва Қозоғистонда жорий этилди. Низони ҳал қилишнинг ушбу усулида иш юритиш судьянинг иштирокисиз низони ҳал қилиш учун иккала томоннинг адвокатлари музокаралар йўли билан амалга оширилади. ФПКнинг 181 моддаси биринчи қисмига кўра тарафлар судни маслаҳатлашув хонасига юборишдан олдин ушбу Кодекснинг 179 моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ низони партисипатив тартибда ҳал этиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Шуни таъкидлаш керакки, медиация ва шартнома тузишдан фаркли ўлароқ, низони партисипатив тартибда ҳал қилиш икки тарафнинг адвокатлари томонидан ҳал қилиш орқали тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан судьянинг иштирокисиз амалга оширилади. Бу тартибда медиациядан фаркли равишда тарафларнинг адвокатлари иштирок этиши мажбурий. Агар ушбу низолар партисипатив тартибда ҳал қилишда қатнашмаган учинчи шахслар ва суд томонидан муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир қилса ёки таъсир қилиши мумкин бўлса, бундай низоларни партисипатив тартибда ҳал қилишга йўл қўйилмайди.

Инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ушбу усулини миллий қонунчилигимизга жорий этиш инвестицион низоларнинг самарали ва тўғри ҳал қилинишига

олиб келади ва унда давлат органларининг аралашмаслиги инвесторларга давлат органлари билан бўладиган низоларда ютиб чиқиш имконини беради. Инвесторларни мамлакатимиз иқтисодиётига кенг жалб қилиш кўп жиҳатдан уларнинг мулкый ҳуқуқлари муҳофаза қилинганлигига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Шу сабабли инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга нисбатан бугунги кун талабларига жавоб берадиган замонавий ва самарали усулларни татбиқ этиш лозим. Юқорида таъкидлаганимиздек, бугунги кунда мамлакатимизда инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга нисбатан фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумий усулларидан фойдаланилмоқда. Ваҳоланки глобаллашув жараёни сабабли ҳимоя қилишнинг ушбу усуллари ўз самарасини йўқотди. Шу сабабли инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи махсус усуллардан фойдаланиш инвесторлар талаби ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, қонунчилигимизда инвестицион низо тушунчаси аниқлаштирилмаган. Хусусан, "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 63 моддасига кўра чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо инвестициявий низо эканлиги белгиланган. Бизнинг фикримизча, инвесторлар билан боғлиқ ҳар қандай низо инвестицион низо ҳусусиятига эга эмас. Масалан, чет эллик инвесторнинг энергия таъминотига оид битимлар юзасидан мажбуриятларни бажарилмаслиги, меҳнат қонунчилиги нормаларига риоя қилмаслик натижасида келиб чиқадиган низо инвестициявий низо ҳусусиятига эга эмас. Шу боис, бу тушунчанинг аниқлаштирилиши амалий аҳамиятга эга бўлиб, низо келиб чиққан тақдирда уни ҳал қилиш усулини танлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, инвестицион қонунчилигимизда инвесторларга ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг усулини эркин танлаш имконияти чекланганлигини кўришимиз мумкин. "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 63 моддасига мувофиқ инвестициявий низо, аввало, музокаралар ўтказиш ёки медиация йўли билан ҳал этилиши керак. Низони ушбу тартибда ҳал қилишнинг имкони бўлмаса, низо давлат судларида кўриб чиқилади. Агар низо давлат судларида ҳам ҳал этилмаса, тарафлар ўртасида низони арбитраж воситасида ҳал қилиш юзасидан инвестицион келишув мавжуд бўлганда низо арбитраж воситасида ҳал этилиши мумкин. Кўриб турганимиздек, агар низо давлат судида ҳал этилмасагина арбитраж воситасида ҳал этилиши мумкинлиги белгиланган. Агар инвестициявий низо давлат органлари ўртасида келиб чиққан тақдирда чет эллик инвесторларда суднинг ҳолислигига шубҳа уйжатади. Ушбу норма инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари эркин танлаш ҳуқуқини чекламоқда. Бундан ташқари 1965 йил 18 мартда қабул қилинган ва 1993 йил 7 майда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган "Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги Вашингтон Конвенциясининг 25 моддаси биринчи қисмига кўра Марказ низолашилаётган томонларнинг бундай низони Марказга юборишга ёзма розилиги билан, бир ахдлашувчи давлат ва бошқа ахдлашувчи давлатнинг шахси ўртасидаги инвестициялар билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш ваколатига эга. Бундай келишувга эришган томонлар уни бир томонлама тартибда рад этишга ҳақли эмас. Конвенциянинг 26 моддаси биринчи қисмига биноан ушбу Конвенцияга мувофиқ низони ҳакамлик судига топширишга томонларнинг розилиги, агар бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бундай розиликнинг мажбурийлигини ва низони ҳал қилишнинг бошқа воситаларидан фойдаланишни рад этишни англатади. Кўриб турганимиздек, қонуннинг 63 моддаси Конвенцияга зид келмоқда. Яъни тарафлар ўртасида низони арбитраж воситасида ҳал қилиш тўғрисида келишув бўлганда ҳам низо давлат судида кўрилгандан кейингина арбитраж судларида кўрилиши мумкин. Бизнинг фикримизча, мазкур нормага ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида инвестициявий муҳитни яхшилаш кўп жиҳатдан инвесторларнинг мулкый ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тизимини яратиш, уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва мамлакат ҳудудида, шунингдек унинг ҳудудидан ташқарида

хорижий инвесторлар мулкый ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлашга қаратилган тизимни яратиш чора-тадбирларига боғлиқ.

Шу сабабли ҳам соҳани ривожлантириш ва қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан қуйидагилар таклиф этилади:

Биринчидан, инвестициявий низо тушунчасини аниқлаштириш мақсадида "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 3 моддасида инвестициявий низо тушунчасининг қуйидагича таърифини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: инвестициявий низо - бу инвесторларнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлган инвесторлар, шу жумладан, инвестиция фаолияти иштирокчилари ва давлат идоралари ўртасидаги шартнома мажбуриятлари натижасида келиб чиқадиган низо.

Иккинчидан, илғор хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги партисипатив усулини жорий этишни мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз. Мазкур усул тарафларнинг ихтиёрийлиги, музокаралар жараёнида уларнинг тенглиги ва иштирок этиш тартибига аралаштиришга йўл қўйилмаслик принципи асосида олиб борилади ҳамда суд жараёнидаги тарафлардан бирини ёки иккаласини ҳам қониқтирмайдиган қарор билан яқунладиган суд процесси билан таққослаганда партисипатив тартибда ҳар икки томон ихтиёрий равишда рози бўлган ўзаро фойдали муросани аниқлатади. Медиация ва келишув шартномасидан фарqli ўлароқ, низони партисипатив тартибда ҳал қилиш икки тарафнинг адвокатлари томонидан ҳал қилиш орқали тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан судянинг иштирокисиз амалга оширилади. Низо партисипатив тартибда кўриб чиқиладиганда ҳар иккала тарафнинг адвокатлари унда иштирок этиши мажбурий ҳисобланади.

Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг партисипатив усули қуйидаги афзалликларга эга:

биринчидан, тарафларнинг ўзаро мақбул ечимга эришиши;

иккинчидан, низони тезкор ҳал қилиш;

учинчидан, ўзаро ёндашувлар орқали фарқларни тўхтатиш ва тарафларнинг моддий ҳаражатларидан чеклаш;

тўртинчидан, тарафларнинг зиддият даражасини камайтириш.

Учинчидан, "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 63 моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади: "63 модда. Низоларни ҳал қилиш Инвестициявий низолар музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади. Агар инвестициявий низонинг тарафлари музокаралар ўтказиш йўли билан низони келишилган ҳолда ҳал этишга эришишга қодир бўлмаса, бундай низо медиация ёки партисипатив тартиб йўли билан тартибга солиниши керак.

Инвестициявий низоларни ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда ҳал қилиш мумкин бўлмаган тақдирда, бундай низолар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси судларида **ва/ёки** инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида тузилган шартномада тегишли ва ҳақиқий арбитраж шarti назарда тутилган бўлса, бундай низо халқаро арбитраж воситасида ҳал этилади.

Фақат Ўзбекистон Республикасининг имзоланган ва амалдаги халқаро шартномалари ва (ёки) инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида халқаро арбитражга мурожаат қилиш пайтида тузилган шартнома доирасидаги ёзма розилик Ўзбекистон Республикасининг инвестициявий низони арбитраж йўли билан ҳал этишга бўлган розилиги ҳисобланади.

Инвестициялар билан боғлиқ бўлмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади".

Ушбу моддадаги биринчи ўзгаришга кўра низоларни ҳал қилишнинг партисипатив усулидан фойдаланиш назарда тутилади. Иккинчи ўзгаришга кўра норманинг таклиф этилган таҳрири инвестициявий низо тарафларга низони ҳал қилишнинг тегишли давлат судида ёки арбитраж тартибда ҳал қилиш имконини беради. Учинчидан, турли келишмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида инвестициялар билан боғлиқ бўлмаган низоларни Ўзбекистон

Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилиниши таъкидланади. Норманинг ушбу таҳрирда баён қилиниши қуйидаги афзалликларга эга:

биринчидан, инвестициявий низолар универсал халқаро ташкилотларнинг уставлари ва бошқа таъсис ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Чет эллик инвесторлар иштирокидаги низолар хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ўртасида инвестицион битимларни тузиш натижасида вужудга келганлиги сабабли уларнинг миллий қонунчилиги бир-биридан тубдан фарқ қилади. Шу сабабли тарафлар низоларни икки тарафнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда тарафлар эрк мухторияти принциpidан келиб чиққан ҳолда низонинг халқаро тижорат арбитражлари, медиация ёки ҳакамлик судларида ҳал қилинишидан манфаатдор ҳисобланади;

иккинчидан, нодавлат тартибга солиш воситалари низоларни ҳал қилишда давлатнинг ҳар қандай таъсирларини чеклайди;

учинчидан, инвестицион низоларини нодавлат тартибда ҳал қилишда процессуал тартибларнинг оддийлиги, тарафларнинг унга таъсир қилиш имкониятининг мавжудлиги.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Вахрин П.И. Инвестиции: Учебник. – М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и К”, 2002. – 384 с.
2. Гражданское право: учеб. Т.1 / под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. —М.: Проспект, 2004. — С. 338—339.
3. Треушников М.К. Судебная защита гражданских прав: учеб, гражданского процесса. — М., 1996. — С. 20.
4. Предпринимательское право: учеб. / под ред.Е.П. Губина, П.Г. Лахно. — М.: Юристъ,2003. — С. 953.
5. Ўзбекистон Республикасида инвестициявий низоларни ҳал қилишни такомиллаштириш масалалари. Илмий рисола. Масъул муҳаррир: ю.ф.н., доцент Х.Т.Азизов. –Т.: ТДЮУ нашриёти, 2017 й, 5-бет.

YURISPRUDENSIYA

1 ЖИЛД, 1 СОН

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

ТОМ 1, НОМЕР 1

JURISPRUDENCE

VOLUME 1, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000